

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИНИНГ МАБЛАҒ АЖРАТИШГА  
ДОИР ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА  
УНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БҮЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**





Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ  
МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА УНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ БҮЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2024 йил

## Мундарижа

Кириш.....	3
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маблағ ажратишга доир қарорларини ижро этиш .....	4
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маблағ ажратишга доир қарорлар ижросини ташкил этиш .....	5
Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларни ижро этиш муддатлари .....	5
Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларнинг ижро муддатини узайтириш .....	6
Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларни назоратдан олиш .....	7
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маблағ ажратишга доир қарорлари ижросини назорат қилиш .....	8
Маблағ ажратишга доир қарорларни ижро этиш устидан давлат молиявий назорати.....	9
Давлат молиявий назорати органларининг вазифа ва функциялари.	10
Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати.....	13
Маблағ ажратишга доир қарорларни ижро этиш устидан парламент назорати .....	17
Халқ депутатлари кенгashi депутатининг маблағ ажратишга доир қарорлар ижроси устидан назорати .....	20
Маблағ ажратишга доир қарорларни ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби .....	22
Иловалар.....	26
Қўлланмада фойдаланилган атама ва тушунчалар изоҳи .....	26
Маблағ ажратишга доир қарорлар ижроси ва назоратига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати .....	30

## КИРИШ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маблағ ажратишига доир қарорлари ижроси ҳамда уни назорат қилиш бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда – Қўлланма) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маблағ ажратишига доир қарорлари ижросини ташкил этиш ҳамда уни назорат қилишда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат молиявий назорати органлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари масъул ходимларининг ҳамда аҳолининг мазкур соҳадаги кўникмаларини оширишга хизмат қиласди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рұхсат берилади ва үндан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

# МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ



## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ҳоким ёки унинг  
ўринбосарлари


Қарорни тайёрлаган котибият  
ёки аппарат хизмати

Қарор ижросини  
ташкил этади

Қарор ижросини  
бевосита назорат  
қиласиди

-  Маблағ ажратишга доир қарор ва фармойишлар ижроси (кейинги ўринларда – қарорлар ижроси) **назорат** қилинади.
-  Ижро назорати **маълумот тақдим этиши, ташкилий ҳаракатлар режаси** ва шу каби бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Қарорлар ижроси назоратини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi **аппарати раҳбари**, ҳокимликларда эса **ташкилий-назорат гурӯҳи раҳбари** ёки шу вазифа юкланган ходими **мувофиқлаштиради**.



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича Йўриқнома Ҳукуматнинг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган.

**Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларни ижро этиш муддатлари**

-  Ижро муддатини ҳисоблаш қарор (фармойиш) имзоланган кундан бошлаб **календарь кунларда** ҳисобланади.



Дархол ижро этиш зарур бўлган, мұҳим қарорлар (фармойишлар) учун раҳбар томонидан **инвидуал ижро муддатлари** белгиланади ёки қарор (фармойиш)нинг ўзида кўрсатилган бўлади.

**Халқ депутатлари  
вилоятлар ва Тошкент  
шаҳар кенгашлари  
қарорлари**

**7 кундан  
кечикирмасдан**



**Халқ депутатлари  
туман (шаҳар)  
кенгашлари қарорлари**

**5 кундан  
кечикирмасдан**

**масъул  
ижрочиilar  
эътиборига  
етказилади**

Бошқа ҳолларда ҳужжатлар, шу жумладан **ҳоким қарори** ва **фармойиши 10 календарь кундан кечикирмай** ижрочиilarга етказилиши ва ижро этилиши зарур.

**Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларнинг ижро муддатини узайтириш**

- Қарорни ижро этиш муддати ушбу муддатни белгилаган шахс томонидан **узайтирилиши** мумкин.
- Қарорни ўз вақтида ижро этиш имкони бўлмаса, **масъул ижроchi ҳужжатни олган заҳоти** ёки муддат тугашига **камида 2 кун қолганда** ижро муддатини узайтириши расмийлаштиради.



## Маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларни назоратдан олиш

- Ижроси таъминланган қарор (фармойиш) уни назоратга қўйган мансабдор шахс томонидан назоратдан олинади.
- **Юқори турувчи ва директив орган ҳужжатлари бўйича қабул қилинган ҳоким қарори** унинг ижро этилганлиги ҳақида аппарат хизматининг **тегишли материаллари асосида** назоратдан олинади.
- **Кенгаш қарорлари** ҳоким томонидан назоратдан олинади ва бу ҳолат Кенгаш сессияси **мажлис баённомасида** белгиланади.
- **Ҳоким қарори (фармойиши)** уларнинг ижро этилганлиги ҳақидаги тегишли **маълумотнома билан** назоратдан олинади.



Қарор ижро этилганлиги ва назоратдан олинганлиги ҳақидаги маълумотлар **назорат карточкасига** киритилиб, номенклатура бўйича йиғмажилдга илова қилиб қўйилади.




Ҳужжатларни назорат қилиш юкланган **раҳбар** уларда қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун **шахсан жавобгардир**.

# **МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**



## МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСТИДАН ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ

→ Давлат молиявий назорати назорат қилиш йиллик режаларига **мувофиқ** амалга оширилади.



**Режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга ошириш**

Давлат молиявий назорати шакллари

- тафтиш
- текшириш
- назорат тартибидаги текшириш
- ўрганиш



Назорат тартибидаги текшириш аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бюджет түғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳолларини бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.



### Давлат молиявий назорати органларининг вазифа ва функциялари



Ҳисоб палатаси

- бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлигини ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш
- барча даражаларда харажатларни қисқартириш бўйича имкониятларни аниқлаш



## Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари



## Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари

- ўз ваколатлари доирасида қуи турувчи иқтисодиёт ва молия органлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонунчилик ижросининг таъминланиши устидан давлат молиявий назорати
  - бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузишнинг, шунингдек қуи турувчи ҳудудий молия органлари томонидан бюджет ҳисботини тузишнинг тўғрилиги устидан давлат молиявий назорати

- бюджет ташкилотлари (бюджет маблағлари олувчилар)нинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларини харажатлар сметаларида кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилиш асосида мажбурий рўйхатдан ўтказиш

- харажатлар сметаларида ва рўйхатдан ўтказилган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар номидан ҳамда уларнинг топшириғи бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларига тўловларни бевосита амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш йўли билан амалга оширади

- бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилиниши;
- бюджет тизими бюджетларининг харажатлари ижроси;
- бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширишнинг навбатлилиги, муддатларига риоя этилиши ва тўлиқлиги;
- ривожланиш давлат дастурларини амалга ошириш учун марказлаштирилган манбалардан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиши;
- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиши;



**Давлат  
молиявий  
назорати  
инспекцияси ва  
унинг ҳудудий  
бошқармалари**

- пенсиялар ва нафақалар тўғри тайинланиши, ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши;
- тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг фаолияти;
- бюджет ссудалари ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланиши;
- Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) мақсадли фойдаланиши;
- инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланиши;
- давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдоларининг тўғри ўтказилиши устидан давлат молиявий назорати

## Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати

Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати (кейинги ўринларда – якуний назорат **назорат режасига** кўра амалга оширилади ва давлат молиявий назорат органининг қарори асосида ўтказилади.



**Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсада бўлиши лозим бўлган ҳужжатлар**



Давлат молиявий назорат органлари **махсус касбий билимларни** талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг **экспертлари ва мутахассисларини** жалб этишга ҳақли.

**!** Якуний назорат **йилига кўпи билан бир марта** амалга оширилади.

**→** Якуний назоратни амалга ошириш муддати **30 календарь кундан** ошмаслиги лозим. Зарур ҳолларда бу муддат давлат молиявий назорат органининг раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан узайтирилиши мумкин.



## Якуний назорат натижалари расмийлаштириладиган ҳужжатлар


текшириш ва тафтиш натижалари бўйича:	далолатнома
давлат молиявий назорати натижаларини умумлаштириш бўйича:	жамланма далолатнома
урганиш ва назорат тартибида текшириш натижалари бўйича:	маълумотнома ёки хуроса



Якуний назорат натижаларига доир ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур маълумотларнинг барчаси кўрсатилиши зарур. (2-иловага қаранг)

## Якуний назорат натижаларига доир ҳужжатга қўшиб қўйиладиган ҳужжатлар

- ✓ назоратни ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари;
- ✓ назорат доирасида ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги баённомалар;
- ✓ инвентаризация далолатномалари;
- ✓ эксперталар ва мутахассисларнинг хуросалари;
- ✓ назоратни ўтказиш жараёнида давлат молиявий назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг сўровига кўра олинган материаллар;
- ✓ бошқа ҳужжатлар.



Назорат натижаларига доир ҳужжатда давлат молиявий назорати обьектининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ҳаракатларига **ҳуқуқий баҳо берилмаслиги**, шунингдек уларнинг **қилмишлари**, **ниятлари ва мақсадлари тавсифланмаслиги** лозим.



Назорат натижаларига доир ҳужжатлар назоратни ўтказган мансабдор шахслар, давлат молиявий назорати обьектининг мансабдор ва масъул шахслари томонидан **имзоланади**.



Давлат молиявий назорати натижалари билан **келишилмаса**, ҳужжат эътиrozлар билан имзоланади ва **10 кун ичida** эътиrozлар давлат молиявий назорат органига ёзма шаклда тақдим этилади.



Эътиrozлар тақдим этилмаса, назорат натижаларига доир ҳужжат давлат молиявий назорати обьекти томонидан **қабул қилинган деб ҳисобланади** ҳамда уни амалга ошириш чоралари кўрилади.



Давлат молиявий назорати обьекти судга мурожаат этса, судга мурожаат этилганлиги ҳақидаги ҳужжатни 10 кун ичida давлат молиявий назорат органига тақдим этиши шарт.



Назоратни давлат молиявий назорати обьекти мансабдор шахсининг **яқин қариндоши, эрининг (хотинининг) қариндоши** бўлган, давлат молиявий назорати обьектида шахсий мулкий манфаатлари бўлган, текширув билан қамраб олинган даврда ушбу обьектда ишлаган давлат молиявий назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан **ўтказиш тақиқланади**.



Назорат ўтказиш **тақиқланган ҳолатлар юзага келганда** давлат молиявий назорат органларининг мансабдор шахслари бу ҳақда давлат молиявий назоратини тайинлаган органнинг раҳбарини **ёзма шаклда** хабардор қилиши керак.

## **Давлат молиявий назорати ўтказилаётган ташкилот mansabdor shaxsi**

### **Хуқуқлари**

назорат амалга оширилишининг мақсади, бошланиш санаси ва давомийлигини билиш  
текширувчи мансабдор шахслардан давлат молиявий назорат органи раҳбарининг қарорини ва якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи бир марталик гувоҳномани, шунингдек шахсий гувоҳномани талаб қилиш  
назоратни ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларни давлат молиявий назоратига қўймаслик  
назорат натижалари юзасидан шикоят қилиш

### **Мажбуриятлари**

давлат молиявий назоратини ўтказиш учун зарур шароитлар яратиш  
давлат молиявий назорат органи ва унинг мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек уларнинг қонуний фаолиятига монелик қилмаслик  
назоратни ўтказиш вақтида давлат молиявий назорат органининг мансабдор шахсларига мазкур назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш ҳамда уларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлиги учун шахсан жавобгар бўлиш  
бюджет тўғрисидаги қонунчилик бўзилган ҳолда фойдаланилган маблағларнинг ўрни қопланишини, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш

## МАБЛАГ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

 Давлат бюджетининг ижроси устидан назорат Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан амалга оширилади.

### Қарорлар ижроси устидан парламент назорати шакллари

- давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш
- Сенат мажлисларида ҳокимларнинг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш
- парламент сўрови
- Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови

### Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш

 Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот дастлабки тарзда муҳокама қилинаётганда **фракциялар**, **Сенат аъзолари** жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари томонидан **ўрганиш ташаббуси** билан чиқиши мумкин.

### Парламент сўрови

 Қонунчилик палатаси, Сенат **парламент сўрови** юборишга ҳақли.

Парламент сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф

Давлат органлари мансабдор шахсларининг парламент сўровига оғзаки ёки ёзма жавоби

Парламент сўровига жавобни тегишинча Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисида муҳокама қилиш



**Қонунчилик палатаси** кўриб чиқиши учун парламент сўровини юбориш таклифини киритиш ҳуқуқига эга:

- 1) қўмиталар;
- 2) фракциялар;
- 3) Палата депутатлари умумий сонининг камидаги 5 дан 1 қисми



**Сенат** кўриб чиқиши учун парламент сўровини юбориш таклифини киритиш ҳуқуқига эга:

- 1) қўмиталар
- 2) Сенат аъзолари умумий сонининг камидаги 5 дан 1 қисми

### Парламент сўровига жавоб бериш муддатлари

#### Оғзаки жавоб

тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида палаталар белгилаган муддатда

#### Ёзма жавоб

агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай



Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган **mansabдор шахс** (унинг вазифасини вақтинча бажараётган шахс) томонидан **имзоланади**.



Парламент сўровига ёзма жавоб, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан **ўқиб эшилтирилади**.



Ёзма жавобнинг нусхалари мажлисда ўқиб эшилтирилгунига қадар олдиндан Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат аъзоларига юборилади.



Қонунчилик палатаси, Сенат парламент сўрови муҳокамаси якунлари бўйича **қарор** қабул қиласди.

### Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови



Қонунчилик палатаси депутати, Сенат аъзоси давлат органларининг мансабдор шахсларига **сўров** юборишга ҳақли.



Сўровга, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, у олинган кундан эътиборан **10 кундан кечиктирмай** ёзма жавоб юборилади.




Сўровга жавоб **ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс томонидан имзоланади.**

### Сенат мажлислида ҳокимларнинг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисботларини эшитиш



Ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисботлари Сенат мажлисида эшитилиши мумкин.



## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТИ

Халқ депутатлари Кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) **депутати** ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиб қарорлар ижросини назорат қилади.

### Депутатнинг қарорлар ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги ҳуқуқлари



### Депутат сўрови

Депутат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслариiga **депутат сўрови** юборишга ҳақли.



Депутат сўровига жавоб сўров олинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай юборилиши шарт.



Депутат сўровига **жавоб** ўз номига сўров юборилган **mansabdor shaxs** (унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс) томонидан **имзоланади**.



Депутат сўровлари бўйича ахборот Кенгаш мажлисида **муҳокама қилиниши** мумкин.

### Депутатнинг мансабдор шахслар томонидан қабул қилиниши



Депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда тегишли ҳудуддаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларга **монеликсиз** киради.



Корхона, муассаса ёки ташкилотга киришда депутат ўз гувоҳномасини кўрсатиши лозим.



Депутатни корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари **дарҳол қабул қилиши** шарт.



## МАБЛАГ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ



Қарорларнинг ижро этилиши устидан **жамоатчилик назорати** амалга оширилиши мумкин.

### Жамоатчилик назорати субъектлари:



фуқаролар



фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (МФЙлар)



нодавлат нотижорат ташкилотлар



оммавий ахборот воситалари



жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва  
бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари



## Жамоатчилик назорати субъектлари

тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, ташкил этиш, иштирок этиш  
ахборотни давлат органларидан сўраб олиш  
таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юбориш шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги аниқланса, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиш жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш

### Ҳуқуқлари

қонунчиликка риоя этиш қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралashiшга йўл қўймаслик ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиш

### Мажбуриятлари



## Давлат органлари

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш түғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олиш якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътиrozларини жамоатчилик назорати субъектларига юбориш жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек ОАВда жойлаштириш жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш.

### Ҳуқуқлари

жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти түғрисидаги ахборотни тақдим этиш мурожаатлар ва сўровларни кўриб чиқиш, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиш юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиш

### Мажбуриятлари

## Жамоатчилик назорати шакллари

давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш

давлат органига мурожаат ва сўровлар

жамоатчилик мұҳокамаси

жамоатчилик мониторинги

жамоатчилик эшитуви

жамоатчилик экспертизаси

жамоатчилик фикрини ўрганиш

МФЙлар томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш

Қарорларнинг ижроси бўйича ўtkазилган жамоатчилик назорати натижалари **баённома, хулоса, маълумотнома** (якуний ҳужжат) шаклида расмийлаштирилади.



Жамоатчилик назорати натижалари қонунчиликда назарда тутмилган бошқа шаклда ҳам расимийлаштирилиши мумкин.



Якуний ҳужжат **ахборот ва тавсия хусусиятига** эгадир. Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар **давлат органлари** томонидан **кўриб чиқилиши мажбурий**.



Давлат органлари жамоатчилик назорати натижаси баён этилган ҳужжатлар юзасидан қонуний **қарорлар** қабул қиласи.



Жамоатчилик назорати шакллари ва бошқа тушунчалар изоҳи **Қўлланманинг 1-иловасида** берилган.

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Қўлланмада фойдаланилган атама ва тушунчалар изоҳи

<b>Давлат молиявий назорат органлари</b>	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар
<b>Давлат молиявий назорати объектлари</b>	Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари, бошқа жамғармалар ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари
<b>Дастлабки назорат</b>	молиявий операциялар бажарилгунига қадар ғазначилик бўлинмалари молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат турларидан бири
<b>Жорий назорат</b>	молиявий операциялар бажарилиши жараёнида ғазначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган назорат турларидан бири
<b>Якуний назорат</b>	молиявий операциялар бажарилганидан сўнг Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган назорат турларидан бири
<b>Ёппасига назорат</b>	давлат молиявий назоратининг усусларидан бири бўлиб, текширилаётган давр учун барча бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни назорат қилиш
<b>Танлов асосидаги назорат</b>	давлат молиявий назоратининг усусларидан бири бўлиб, муайян давр учун бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг айrim қисмларини назорат қилиш
<b>Комплекс назорат</b>	давлат молиявий назоратининг усусларидан бири бўлиб, давлат молиявий назорати объектининг муайян давр учун молиявий-хўжалик фаoliятининг барча йўналишларини назорат қилиш
<b>Мавзули назорат</b>	давлат молиявий назоратининг усусларидан бири бўлиб, давлат молиявий назорати объектининг

	муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини назорат қилиш
<b>Муқобил назорат</b>	давлат молиявий назоратининг үсулларидан бири бўлиб, операциялар ягоналиги билан ўзаро боғлиқ бўлган ва турли давлат молиявий назорати обьектларида турган ҳужжатларни солиштиришни ўз ичига олган текшириш, бундан тадбиркорлик субъектлари мустасно
<b>Парламент сўрови</b>	давлат органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби акс эттирилган, Қонунчилик палатаси, Сенат томонидан юборилган сўров
<b>Қонунчилик палатаси депутатининг сўрови</b>	давлат органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби акс эттирилган, Қонунчилик палатаси депутати томонидан юборилган сўров
<b>Сенат аъзосининг сўрови</b>	тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби акс эттирилган, Сенат аъзоси томонидан юборилган сўров
<b>Депутат сўрови</b>	Депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби акс эттирилган ҳужжат
<b>Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар</b>	Субъектларнинг давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиши, шунингдек қонунчилиқда белгиланган тартибда уларга сўровлар юбориши
<b>Давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш</b>	Субъектларнинг қонунчилиқда белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиши, бунда давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида

	жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратиши лозим
<b>Жамоатчилик мұхокамаси</b>	Ижтимоий ақамиятта молик масалаларни, шунингдек норматив-хуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий мұхокама қилиш
<b>Жамоатчилик әшитуви</b>	Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий ақамиятта эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни мұхокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш
<b>Жамоатчилик мониторинги</b>	Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш
<b>Жамоатчилик экспертизаси</b>	Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорлар лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун ularни ўрганиш ҳамда баҳолаш
<b>Жамоатчилик фикрини ўрганиш</b>	Турли ижтимоий гурӯхларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунчилик талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш
<b>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини әшитиш</b>	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва ҳокимларнинг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисботларини, ички ишлар органлари масъулларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисботларини, оиласий поликлиникалар ва ҚВП раҳбарларининг ахборотини, тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-мұхитни мұхофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва күқаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисботларини әшитиш

**Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати  
натижалариға доир ҳужжатда күрсатилиши лозим бўлган  
маълумотлар**

давлат молиявий назоратини ўтказиш учун асос

текшириш ўтказилган жой, ҳужжат тузилган сана

расмийлаштирилаётган ҳужжатнинг тури

давлат молиявий назоратининг тури ва уни ўтказиш даври

давлат молиявий назоратини ўтказган мансабдор  
шахсларнинг Ф.И.О.

текширилган ташкилотнинг тўлиқ номи, назорат билан  
қамраб олинган давр учун масъул мансабдор шахслар  
лавозими, уларнинг Ф.И.О., эгаллаб турган лавозимларида  
ишлаган давр

давлат молиявий назорати объектининг жойлашган ери  
(пошли манзили), банк реквизитлари

олдинги тафтиш (текшириш) натижалари юзасидан  
кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар

давлат молиявий назорати билан қамраб олинган давр  
ҳамда уни ўтказиш учун давлат молиявий назорати  
объекти томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳақидаги  
умумий маълумотлар

тафтиш (текшириш) жараёнида аниқланган  
қоидабузарликлар фактлари, нормалари бузилган  
қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилган ҳолда

**Маблағ ажратишга доир қарорлар ижроси ва назоратига  
тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси	
Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори	
Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори	
Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори	